

№ 01-31/1-2717
10.12.2021й.

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирин,
Республика комиссияси раиси



2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги
Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини
тайёрлаш бўйича Республика комиссияси йиғилишининг
242-сон баёни

2021 йил “10” декабрь

Вазирлар Маҳкамаси

- Раислик қилувчи:** А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирин, *Республика комиссияси раиси*
- Таклиф этилганлар:** А.А. Абдувахитов – Ўзбекистон Республикаси
Президентининг маслаҳатчиси, *Республика
комиссияси раиси ўринбосари*
- Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари – А.А. Абдухакимов, *Республика
комиссияси раиси ўринбосари*
- Вазирлар Маҳкамаси котибияти раҳбарлари масъул
ходимлари, тегишли вазирликлар ва идоралар
раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРИБИ:

Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, Оммавий спортни
янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатлами ўртасида жисмоний
тарбия ва спорт тадбирларини тизимли ташкил этиш,
2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги
Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига спортчиларни комплекс
тайёрлаш тўғрисида

(А.Арипов, А.Абдухакимов, Т.Ишметов, И.Ўздобиев, А.Қаримов, А.Иноятов, Р.Шаабдурахмонов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024 йил Париж шаҳрида
(Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия
ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”
ПҚ–5281-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда
оммавий спортни янада ривожлантириш, бу борада аҳолига зарур шароитлар
яратиш, иқтидорли спортчиларнинг селекцияси, уларнинг жисмоний
тайёргарлиги, тренер ва хакамларнинг салоҳияти, ўқув машгулотлари,
вилоят, туман ва шаҳар даражасида ўтказилаётган спорт мусобақалари

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнини мамлакатимизда **“Париж сари йўл”** шиори остида ўтказилиши муносабати билан **оммавий спортдан - профессионал спортга** ўтиш тизимини талкин этувчи гоая ва ташаббуслар билан бирга спорт фахрийлари, голиб ва совриндор бўлган олимпия ва паралимпиячиларни кунлик ҳаёти ва уларни эришган ютуқларига бағишланган **“Миллат қахрамонлари”** рукни остида махсус телекўрсатувлар ташкил этиш ва барча оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

21. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Пекос) Туризм ва спорт вазирлиги (Аккуллов) билан биргаликда ўн кун муддатда **“Соғлом турмуш тарзи”** (www.ihls.uz) платформаси фойдаланувчилари учун тўлаб берилаётган бюджет маблағларини янада ҳаққоний тўланишини ташкил этиш учун платформани такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида” ПҚ-5281-сон қарорининг 4-иловасига мувофиқ 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базаларида Республика олий спорт маҳорати мактаблари, Миллий паралимпия кўмитаси ҳамда спорт турлари бўйича федерация (уюшма)ларга олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг ўқув-йиғин машғулотларини, спорт тadbирларини ташкил этиш билан боғлиқ барча турдаги сарф-ҳаражатларни амалга ошириш учун истисно тарикасида тўғридан-тўғри шартномаларни тузиш орқали ҳамда шартномаларни **экспертизадан ўтказмасдан** маблағларни молиялаштиришга розилик берилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги 5281-сонли қарорининг 4-иловаси 29-банди бириктирилган спорт базалари 3-бўлим ҳудудий спорт базаларида **паралимпия спорт турлари бўйича ўқув-машғулотлар йиғинларини** ҳамда **спорт тadbирлари** куйидаги тартибда ўтказишда ўзгатиришлар киритилсин:

Ўзбекистон дзюдо федерацияси базаси “Тошкент шаҳри дзюдо ни ривожлантириш маркази”

Сув спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби балансидаги Тошкент денгизи “Туябўғиз сув омбори” спорт база;

Хожикент сув омбори, энергетиклар “Қоранқўл базаси”;

“Water and rowing” спорт клуби;

Ўзбекистон таэквондо федерацияси базаси “Тошкент шаҳри “Универсал” спорт базаси;